2012 йил 17 май, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 97 (12.158)

Баҳоси эркин нархда

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 16 май куни Оқсаройда Халқаро футбол федерацияси (ФИФА) президенти Йозеф Блаттерни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистонда Йозеф Блаттерни ўз ҳаётини жаҳон ва миллий футболни ривожлантиришга бағишлаган таниқли жамоат арбоби сифатида билишларини таъкидлади. Бу – ФИФА раҳбарининг Ўзбекистонга учинчи ташрифи. Мазкур ташриф ўзбек футболининг 100 йиллиги нишонланаётган кунларга тўғри келди.

Учрашувда Ўзбекистонда футболни ривожлантириш истиқболлари, мамлакатимизнинг ушбу нуфузли халқаро тузилма билан самарали ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ва кенгайтириш юзасидан фикр алмашилди. «Гол», «Гол-2» ва «Гол-3» лойиҳаларининг амалга оширилгани шундай ҳамкорликнинг натижаларидандир. Ушбу лойиҳаларга мувофиқ Тошкент шаҳрида сунъий қопламали футбол майдони ва мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаларининг ўқув-машқ базаси қурилди, Самарқанд шаҳрида эса мини-футбол учун ёпиқ манеж барпо этилмоқда. Ўзбекистон болалар-ўсмирлар футболини, рефери ва мураббийларнинг миллий мактабини ривожлантириш борасида ҳам ФИФА билан ҳамкорлик қилишдан манфаатдор.

Бугунги кунда футбол Ўзбекистонда энг оммавий спорт турларидан бирига ва миллионлар ўйинига айланган. Ушбу спорт тури айниқса, ёш авлод ўртасида кенг оммалашган. Давлатимиз томонидан футболни янада оммалаштиришга улкан эътибор ва ёрдам кўрсатилмоқда. Бу маънавий ва жисмоний баркамол авлодни тарбиялашга доир сиёсатнинг муҳим йўналишларидандир. 2011 йил 19 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011–2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Мазкур ҳужжатга мувофиқ мамлакатимизда футбол инфратузилмасини кенгайтириш ва ушбу спорт турини тарғиб қилиш борасидаги ишларни янада фаоллаштиришга доир тадбирларнинг тизимли режаси тасдиқланди.

ФИФА раҳбари самимий қабул учун Президентимиз Ислом Каримовга миннатдорлик изҳор қилди ва мамлакатимизнинг спорт соҳасидаги муваффақиятларига, шу жумладан, Ўзбекистон спортчиларининг жаҳон майдонларидаги улкан ютуқларига юксак баҳо берди.

**(ЎзА)**

## ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

***«Ўзэкспомарказ»да очилган «Энергетика – Power Uzbekistan 2012» еттинчи халқаро ихтисослашган кўргазмаси доирасида энергетиклар халқаро форуми бошланди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг «Ўзсувэнерго» ихтисослашган бирлашмаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва Савдо-саноат палатаси кўмагида ITE Uzbekistan халқаро кўргазма компаниялари ва унинг шериклари томонидан ташкил этилди.

Жадал ривожланиб бораётган миллий иқтисодиётимизни энергия билан таъминлаётган электр энергетика тармоғи фаолиятининг самарадорлигини ошириш мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим омилларидандир. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Қарори иқтисодиётимиз тармоқларини барқарор, жадал ва мувозанатли ривожлантиришда муҳим дастуруламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси олдига умумий қиймати 5,2 миллиард АҚШ долларидан зиёд 44 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вазифаси қўйилган. Ушбу лойиҳалар мамлакатимиз энергетика салоҳиятини янада юксалтириш, тармоқ корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ресурсларни тежайдиган технологияларни жорий этиш, истеъмолчиларни электр ҳамда иссиқлик қуввати билан ишончли ва сифатли таъминлашга қаратилган.

Дастур доирасида электр узатиш тармоқларини шакллантириш кўзда тутилган бўлиб, бунда истеъмолчиларга электр энергияни ишончли етказиб беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилишларича, айни пайтда Ўзбекистонда электр узатиш линияларининг умумий узунлиги 235 минг километрдан ошади. 2015 йилгача 1207,2 километрлик янги электр тармоқлари, 400 та трансформатор пунктлари ва 35 кВ қувватли 13 та кичик станция қуриш режалаштирилган.

*(Давоми 3-бетда)*

***Президентимиз Ислом Каримовнинг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги «2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» маърузасида ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, яратилган салоҳиятдан оқилона фойдаланиш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди.***

## ИМКОНИЯТЛАР ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасида хусусийлаштириш жараёнида иқтисодиётга инвестицияларни жалб қилиш ҳамда инвесторларга ишончли кафолатлар яратиш масалаларига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида ушбу вазифаларнинг ижроси хусусида сўз юритилди.

Миллий иқтисодиётимизни таркибий ўзгартиришни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк устуворлигини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни техник ҳамда технологик янгилаш учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда давлат мулкини тўғри ва оқилона бошқариш, унинг самарадорлигини ошириш орқали сифатли, рақобатбардош ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш, аҳоли бандлиги ва даромадини юксалтириш чоралари кўрилаётир.

*(Давоми 3-бетда)*

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ






*Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Мустаҳкам оила йили ҳамда Халқаро оила куни муносабати билан ташкил этилган «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўзига хос тарзда, кўтаринки руҳда ўтди.*

**2012 йил — Мустаҳкам оила йили**

## ЭНГ НАМУНАЛИ ЁШ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

Танлов Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг шаҳар бўлими ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилди.

Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Абдураҳимова ва бошқалар Юртбошимиз раҳнамолигида халқимизни ижтимоий ҳимоялаш, фаровонлигини мунтасил ошириб бориш, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, келажаги порлоқ баркамол авлодни вояга етказиш борасида амалга оширилаётган ишлар ўзининг юксак самараларини бераётганини айтиб ўтдилар. Шунингдек, оилаларни мустаҳкамлаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги ишларнинг самарали давом этишини таъминлаш жамиятимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Айтиш керакки, бугунги кунда «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Хотин-қизлар қўмитаси томонидан, оиланинг жамиятдаги ролини кучайтириш, маҳалла ва таълим масканлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, ёш оилаларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш, она ва бола саломатлигини яхшилаш ва муҳофазалаш, болаларни соғломлаштиришга оид қатор лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилмоқда.

«Энг намунали ёш оила» кўрик-танлови ҳам олиб борилаётган ишларнинг бир дебочасидир. Унда ёш оилаларнинг фарзанд тарбиясига эътибори, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш, тиббий маданиятни юксалтиришга доир тажрибаси, сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий-маданий ва маънавий билимлари синовдан ўтказилди.

Айни пайтда иштирокчиларнинг ҳаётнинг турли жабҳаларида олиб бораётган кенг кўламли ислоҳотлар моҳиятини нечоғли теран англаши, миллий маданиятимиз ва санъатимиз, урф-одатларимиз, қадриятларимизга бўлган муносабатига жиддий эътибор қаратилди. Жумладан, уларнинг оиладаги чаққонлиги, болалар тарбиясидаги масъулияти танловда ёрқин акс этди.

— Танлов иштирокчиларининг барчаси ўзига хос такрорланмайдиган тарздаги чиқишларни намоён қилдилар, — дейди ҳакамлар ҳайъати аъзоси Тошкент шаҳар «Оила» маркази раиси Гулнора Йўлчиева. — Бу танлов ҳар йили бир-бирига ўхшамаган қирралари билан намоён бўлмоқдаки, унда ўзбек оилаларининг нечоғли аҳиллиги, мустаҳкамлигини кўриш билан бирга, улар нафақат юртимизда, балки, дунё мамлакатлари нигоҳида ҳам улкан ютуқларни қўлга киритиб, намуна бўлиб бораётганининг шоҳиди бўламиз. Жаннатмакон юртимизда истиқомат қилаётган ҳар бир оилани эзгулик бешиги, чинакам тарбия ўчоғи дейиш мумкин. Оилалар тинч-тотув яшар экан жамиятимиз янада юксалаверади, осмонимизда тинчлик кабутарлари учаверади.

Танишув, савол-жавоб, саҳна кўринишлари ва эркин мавзудан иборат тўртта шарт бўйича бўлиб ўтган танловда шаҳримиздаги 11 та тумандан иштирокчи оила аъзолари таҳсинга сазовор ҳолда шартларни бажаришга ҳаракат қилдилар.

«Энг намунали ёш оила» кўрик-танловида Яккасарой туманидаги Абдулла Авлоний номидаги маҳаллада истиқомат қилувчи Абдусалом ва Дилором Муталовлар оиласи олий ўринга, Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалласида яшовчи Рустам ва Матлуба Эрматовлар оиласи биринчи, Юнусобод туманидаги Аҳмедовлар ва М.Улуғбек туманидан Рустамовлар оиласи иккинчи ўринга сазовор бўлди.

*(Давоми 2-бетда)*

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Наманганда Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида қабул қилинган «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги вакиллари, депутатлар, маҳаллий кенгашлар қошидаги доимий комиссиялар раислари, «Камолот» ЁИҲ, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Нуроний» жамғармасининг вилоят ва туман бўлимлари раҳбарлари, шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси вакиллари ва ёшлар иштирок этди.**

**• «Ўзбекистон ҳаво йўллари» Миллий авиакомпанияси «Парвозлар хавфсизлиги» нотижорат ҳамкорлигининг «Парвозлар хавфсизлигини таъминлашда эришган улкан ютуқлари учун» номинацияси бўйича совриндор бўлди.**

**• Самарқанд шаҳрида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик — тараққиёт омили» мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Республика Байналмилал маданият маркази, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, вилоят ҳокимлиги ҳамда бир қатор жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбир миллий маданий марказларининг кўргазмаси билан бошланди. Унда вилоятда фаолият кўрсатаётган 10 та миллий маданий марказ фаолиятидан ҳикоя қилувчи фотосуратлар ва турли миллатларнинг ҳунармандчилик маҳсулотлари ҳамда либослари намойиш этилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Индонезияда ҳалокатга учраган Россиянинг «Sukhoi Superjet-100» самолётининг «қора қути»си топилди. Индонезиянинг «Antara News» агентлиги тарқатган хабарларга кўра, жорий йилнинг 9 майида ҳалокатга учраган мазкур самолёт бортида 45 йўловчи бўлган. Тахминларга кўра, ушбу ҳаво кемаси кучли туман оқибатида тоққа бориб урилган. Қидирув-суриштирув ишлари давом этмоқда.**

**• Британиянинг «Сотбис» савдо уйида дунёдаги энг қадимий ва қимматбаҳо олмос сотувга қўйилди. «Бо Санси» номи билан машҳур ушбу олмос қарийб тўрт аср давомида Европанинг кўплаб қироллик саройларини безаб турган. Оғирлиги 34,98 каратга тенг мазкур ноёб тош тахминан икки миллиондан тўрт миллион АҚШ долларигача баҳоланмоқда. «Бо Санси» Ҳиндистоннинг қадимий Голконд шаҳридаги конларнинг биридан топилган.**

**• «The New York Daily News» нашрининг ёзишича, АҚШнинг Нью-Жерси штатида пиёдалар учун янги қонун жорий этилди. Унга кўра, энди пиёдаларга кўчани кесиб ўтаётган вақтда мобиль телефонларда хабар ёзиш тақиқланади. Полициячиларнинг айтишича, жорий йилнинг ўзида Форт Ли шаҳрида йигирмадан зиёд кишини автомобиль уриб кетган. Автоҳалокат қурбонлари йўлни кесиб ўтаётган вақтда айнан мобиль телефонида хабар ёзиш билан чалғиган. Хабарларга қараганда, қонунга риоя қилмаганлар 85 доллар жарима тўлайди. Ҳатто болалар ҳам бундан мустасно эмас. Уларнинг ўрнига жаримани ота-онаси тўлайди.**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

***Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.***

✓ **ЭРТАГА** «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Давлат санъат институти ҳамкорлигида «Мустаҳкам оилада мулоқот сирлари» мавзуидаги илмий-амалий семинар бўлиб ўтади.

✓ **ЭРТАГА** Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Ўзбекистон Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида ўтказиладиган матбуот анжумани оилавий бизнесни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига бағишланади.

✓ **БУГУН** М.Улуғбек туманидаги ихтисослаштирилган 50-умумтаълим мактабида шаҳар Халқ таълими педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти томонидан ўқув жараёнларида ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ўқувчиларга билим бериш борасидаги амалиётларни кенг тарғиб қилиш масалаларига қаратилган тадбир ўтказилди.

✓ **ЭРТАГА** «Камолот» ЁИҲ Олмазор тумани бўлими Кенгаши ташаббуси билан «Камалак» болалар ташкилотининг XI – анъанавий анжумани ташкил этилади.

# ЭНГ НАМУНАЛИ ЁШ ОИЛАЛАР АНИҚЛАНДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

— Танлов ўзимизга бўлган ишонч, меҳр ва муҳаббатни янада мустаҳкамлабгина қолмай янги-янги изланишлар сари бир туртки бўлди, десак янглишмаган бўламиз, — дейди олий ўринга сазовор бўлган оила соҳибаси Дилором Муталова. — Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил, дейди доно халқимиз. Биз бу танловда ғолиб чиқамиз деб сира ҳам ўйламаган эдик. Аммо ғолиб бўлишни астойдил истаб чин кўнгилдан ҳаракат қилганмиз. Шундай кўркам саройда халқ кўзи ўнгида, улкан ютуқни қўлга киритишнинг ўзи катта шараф. Мен танловни ташкил қилган мутасадди раҳбарларга, иштирокчи оилаларга ва барча қатнашчиларга, бизни қўллаб турган мухлисларимизга турмуш ўртоғим, фарзандларим ва яқинларим номидан миннатдорлик билдираман. Юртимиз ҳамиша тинч бўлсин, халқимиз эса ҳамиша фаровон ҳаёт кечирсин.

Танлов доирасида оилавий тадбиркорликка доир кўргазмалар ва миллий либослар намойиши ҳам бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова сўзга чиқди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**





**СУРАТЛАРДА: «Энг намунали ёш оила» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳалар**

**Козим Ўлмасов олган суратлар**

***Мамлакатимизда оила мустаҳкамлигини таъминлаш ва унинг фаровонлигини ошириш мақсадида ўтган йиллар давомида бир қанча ижобий ишлар қилинди. Жумладан, кейинги ўн йил ичида юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар кўпайди, иш ҳақи миқдорини ошириш ва солиқ имтиёзлари ҳисобидан аҳолининг энг кам ва энг юқори даромадларга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди.***

# ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИ ЙЎЛИДА

Шунингдек, ўтган йиллар давомида Юртбошимизнинг фуқаролар даромадини кўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандчилик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган қатор Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ қилинди. Шу билан бирга, мустақиллик йилларида мамлакатимизда 3,3 миллион оила биринчи марта ер участкаларига эга бўлди. Томорқа участкаларининг ўртача ҳажми эса 20 сотиҳдан ортди.

1998 йилнинг «Оила йили» деб эълон қилиниши-ю, оила манфаатлари учун барча манбалар бўйича 144,8 миллиард сўм маблағ ажратилиб, ушбу маблағнинг деярли ярми давлат бюджетидан қопланганлиги ҳам айнан шу мақсадга хизмат қилди.

2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши эса, юртимизда жамиятнинг асоси бўлмиш оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, жисмонан соғлом, маънавий етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг ролини ошириш ва шакллантиришга қаратилган.

Оилада соғлом муҳитни яратиш, оила аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор ҳам бундай хайрли ишларнинг узвий бир бўлаги ҳисобланади. Шунингдек, шу йил 27 февралда Президентимизнинг «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори эълон қилиниб, келгусида амалга ошириладиган энг муҳим устувор йўналишлар белгилаб берилди. Айтиш керакки, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида 1 478,7 млрд. сўм ва 114,0 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиши кўзда тутилаётгани ҳам бу борадаги ишлар кўламининг нечоғлик кенг эканини кўрсатади.

Кези келганда яна бир муҳим жиҳатни қайд этиш ўринли. Маълумки, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида кичик бизнес ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқиёс бўлиб, айниқса сўнгги йилларда уларнинг фаолиятларини ривожлантириш бугунги куннинг энг долзарб мавзуларидан бирига айланди. Дарҳақиқат, мамлакатимиз равнақи, янги иш ўринлари яратиш, бандлик масаласини ҳал этиш, аҳолининг турмуш даражасини оширишда тадбиркор ҳамда ишбилармонларнинг ўрни беқиёс. Шу боис ҳам мазкур соҳани жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртбошимиз томонидан ўтган йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши ҳам бунинг яққол тасдиғи ҳисобланади. Буларнинг натижаси ўлароқ, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш борасида яратилаётган имконият ва имтиёзлар ҳамда хизматлардан самарали фойдаланаётган тадбиркорларимизнинг эришаётган ютуқлари эса мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини намоён этишда асосий далил бўлмоқда.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари, жумладан, Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан ҳам тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Тошкент шаҳар прокуратураси органлари билан бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида туманларда тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказиш жадвали белгиланган бўлиб, шаҳар ва туман прокурорлари томонидан 2012 йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан 77 та учрашув ўтказилган. Тадбирларда қатнашган 4336 нафардан зиёд тадбиркорлардан 358 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилиб, 103 нафарига амалий ёрдам кўрсатилган. Жумладан, 16 нафар тадбиркорга 191,5 млн. сўм миқдорида кредит маблағи олинишида, 87 нафарига эса янги масъулияти чекланган жамият ташкил қилиш, жамият Низомининг рўйхатга олиниши ёки бирон-бир фаолият билан шуғулланиш учун рухсат берувчи гувоҳномалар олинишида яқиндан ёрдам берилган.

Шунингдек, прокуратура органлари тизимида жорий этилган махсус «007» рақамли ишонч телефони орқали пойтахт прокуратураси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими ва туман прокуратураларига 2012 йилнинг 1 январидан 31 март кунига қадар тадбиркорлар томонидан назорат қилувчи идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув идораларининг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашуви ҳамда уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларининг бузилиши юзасидан 31 та мурожаат келиб тушган бўлиб, шундан 22 таси қаноатлантирилган. Аниқланган қўпол қонунбузилиши ҳолати юзасидан жиноят иши қўзғатилган.

Хусусан, 2012 йилнинг 1 март куни Чилонзор туман прокуратураси ишонч телефонига «Назиф транс сервис» масъулияти чекланган жамияти раҳбари О.Юнусов мурожаат қилиб, кредит маблағлари олинишида амалий ёрдам беришни сўраган.

Мурожаат Чилонзор туман прокуратураси томонидан кўриб чиқилиб, туман прокуратурасининг аралашуви билан «Назиф транс сервис» МЧЖга 100,0 млн. сўм миқдорида кредит ажратилишига амалий ёрдам кўрсатилган.

2012 йил 13 мартда Юнусобод туман прокуратурасининг ишонч телефонига мурожаат қилган «Лиску соне» масъулияти чекланган жамияти бош ҳисобчиси Э.Утепова эса, Юнусобод туман ДСИ томонидан ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақида баён қилган.

Унинг мурожаатида келтирилган важлар Юнусобод туман прокуратураси томонидан ўрганилганда ўз тасдиғини топган ва 16 март куни маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорни бекор қилиш ҳақида туман прокуратураси томонидан протест келтирилган.

Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вақти келганлиги алоҳида таъкидланган эди. Шунингдек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши, янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилиши қайд этилган эди.

Дарҳақиқат, оила даромади барқарор бўлса, хонадонларда тинчлик-хотиржамлик ҳукм сурса, юрт обод бўлади, мамлакат тараққий этади.

Олий Мажлис Сенатининг ялпи мажлисида «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг маъқуллангани бу борада муҳим қадам бўлди. Зеро, жорий йилнинг 27 апрелидан кучга кирган бу қонун мамлакатимизда оилалар фаровонлиги ва барқарорлигига, уларнинг мустаҳкамлигига хизмат қилади.

«Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг асосий мақсади — оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унга кўра, оилавий тадбиркорлик — оилавий корхона томонидан амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад олишга қаратилган ташаббускор фаолият эканлиги, шунингдек, оилавий тадбиркорлик ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланиши белгилаб қўйилди.

Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъекти мақомининг берилиши эса, у тўлиқ фирма номига эга бўлиши, уларнинг иқтисодиётда тенг ҳуқуқ асосида эркин фаолият юритишига кенг йўл очади.

Шу ўринда оилавий корхонага таъриф бериб ўтсак. Қонуннинг 4-моддасида оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек, оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъекти ҳисобланади, дейилган. Оилавий корхона фаолиятини фақат юридик шахс ташкил этган ҳолдагина амалга ошириши мумкинлиги, оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкинлиги ҳам ушбу моддада ўз аксини топган бўлиб, унда шунингдек, оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллаши мумкинлиги, оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони ҳақида ҳам маълумот берилган.

Қонунда оилавий корхона иштирокчилари ҳақида айтиб ўтилган, унга кўра, оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука, опа-сингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин.

Оилавий корхона бошлиғи асосан юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда оилавий корхона номидан иш кўриши, оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиши мумкинлиги, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беришлари қайд этилди.

Оилавий корхонани ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш масаласи ҳам белгилаб берилди.

Шунингдек, қонунда оилавий корхона бошлиғининг ҳамда оилавий корхона иштирокчиларининг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятлари, оилавий корхона маҳсулотини реализация қилиш, ҳисоб-китоб, меҳнатга ҳақ тўлаш каби масалалар ҳам алоҳида моддаларда қайд қилиниб, оилавий корхона фаолияти эркинлигининг кафолатларига ҳам кенг ўрин берилган. Ундаги меъёрларга кўра, давлат оилавий корхонанинг ҳуқуқларига риоя этилиши ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлаб, давлат органлари уни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади. Шу билан бирга, оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳар қандай фаолият тури билан шуғулланиши мумкинлиги, битимлар тузишда эркинлиги, фаолиятини амалга оширишда давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг аралашувига йўл қўйилмаслиги қатъий белгилаб қўйилган.

Шу ўринда қонуннинг оилавий корхона фаолиятини амалга ошириш шартларига тўхталиб ўтиш лозим. Унга кўра, оилавий корхона фаолиятининг айрим турларини фақат махсус рухсатнома (лицензия) мавжуд бўлгандагина амалга ошириш мумкин. Шунингдек, ушбу моддада оилавий корхона акциз солиғи тўланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ва ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ солинадиган фойдали қазилмалар кавлаб олишни, юридик шахслар учун қатъий белгиланган солиқ ёки ягона ер солиғи тўлаш назарда тутилган фаолиятни амалга ошириши мумкин эмаслиги қайд этилиб, оилавий корхона томонидан саноат тусидаги фаолиятни кўп квартирали уйнинг турар жойларида амалга оширишга йўл қўйилмаслиги ҳам таъкидлаб ўтилган.

Бундан ташқари, оилавий корхона фаолиятини текширишларнинг чекланган тартиби белгилаб берилди. Унга кўра, оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини режали текширишлар кўпи билан тўрт йилда бир марта амалга оширилади.

Янги ташкил этилган оилавий корхонанинг молия-хўжалик фаолияти у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан дастлабки уч йил мобайнида режали текширувлардан ўтказилмайди, бундан бюджет маблағларидан ва марказлаштирилган маблағлардан ҳамда ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар мустасно.

Шунингдек, оилавий корхонага солиқ солиш хусусиятлари, коммунал инфратузилма объектларидан фойдаланишини таъминлаш, банк хизмати кўрсатиш ва кредит беришнинг ҳуқуқий асослари ҳам қонуннинг алоҳида моддаларида кўрсатиб ўтилган. Буларнинг барчаси жамиятимизнинг таянчи бўлган оилаларни иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутиши билан бирга, оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, оилаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида айтганда эса, Президентимиз «Юксак маънавият — енгилмас куч» номли асарида таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиз ҳам эканлигини бир дақиқа бўлсин ёдимиздан чиқармаслигимиз шарт.

**Мирзоҳид ОБИДОВ,**
**Тошкент шаҳар прокурори**

# КЎРГАЗМА ИШ БОШЛАДИ

***Пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ» кўргазма майдонларида «Ўзбекистон нефть ва гази – OGU 2012» 16-халқаро кўргазмаси очилди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан ташкил этилди.

Нефть ва газ саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи тармоқларидан биридир. Мазкур тармоқ иқтисодий барқарорлик, саноат ривожланиши, фуқаролар фаровонлигини оширишга ёрдам бермоқда. Кейинги йигирма йил Ўзбекистон нефть ва газ саноати учун туб ўзгаришлар даври бўлди. Президентимиз Ислом Каримовнинг 1992 йил 3 майда қабул қилинган «Ўзбекистон нефть ва газ саноати давлат концерни «Ўзбекнефтгаз»ни ташкил қилиш тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда. Қисқа вақт ўтганига қарамай, соҳада муҳим ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон газ, полиэтилен ва қайта ишланган нефть маҳсулотларининг йирик экспортчисига айланди.

Бу йилги кўргазмада Ўзбекистон, АҚШ, Хитой, Жанубий Корея, Буюк Британия, Германия, Греция, Миср, Ирландия, Италия, Малайзия, Қозоғистон, Бирлашган Араб Амирликлари, Россия, Руминия, Сингапур, Украина, Франция, Жанубий Африка Республикаси каби дунёнинг 22 давлатидан 200 дан зиёд компания қатнашмоқда.

Экспозицияда марказий ўринлардан бирини эгаллаган «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси стендлари бу ерга ташриф буюрганларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида компания корхоналари томонидан прогноз ҳажмга нисбатан 103,8 фоиз табиий газ, 100 фоиз суюқ углеводород қазиб олинди. Мамлакатимиз заводларида нефть қайта ишланмоқда, автобензин, дизель ёқилғиси, мазут, нефть мойлари, битуми, авиакеросин ишлаб чиқарилмоқда. Газни қайта ишловчи заводлар эса суюлтирилган газ ва полиэтилен ишлаб чиқаришни таъминламоқда.

Мамлакатимизнинг бошқа ишлаб чиқарувчилари стендлари ҳам кўргазма қатнашчиларида катта таассурот қолдирмоқда. Улар орасида «Andburservis», «Armalux», «Cumulative Business Solutions», «East West Group Holding», «Eco Gaz System Servis», «Neftgazkipavtomatika», «Nur Pulat Invest», «United Actions Trading», «Махсус Қурилиш – 3-Тошкент бўлими» каби доимий иштирокчилар ҳамда кўргазмада илк маротаба қатнашаётган «Aspro GazMontaj», «Ecochemtrade», «Technokont», «Grand maxsan engineering», «Ko-Ung Cylinder» компаниялари ҳам бор.

– 2011-2015 йилларда саноатни ривожлантириш дастури доирасида заводимиз агрегатларини модернизация ва реконструкция қилиш режалаштирилган, – дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бош механиги Ҳамид Мирзажонов. – Бу оч ранг нефтни 95 фоизгача чуқур қайта ишлаш, маҳсулотларимиз сифатини янада ошириш имконини беради. Тадбирда қатнашишимиздан мақсад муносиб шериклар топиш, ҳамкорликни кенгайтириш, салоҳиятимизни намойиш этиш ва хорижий меҳмонлар таклифларини ўрганишдан иборат.

Кўплаб чет эллик иштирокчилар стендларида янги нефть ва газ ускуналари, приборлар ва асбоблари намойиш этилаётир.

– Ушбу бўлимдан нефть-газ ускуналари ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган ўнта етакчи компания ўрин олган, – дейди Италия-Ўзбекистон савдо палатаси раиси Луижи Иперти. – «Breda Energia», «Drillmec», «Pietro Fiorentini», «Galperti», «Ritmo Spa», «Techint» компаниялари шулар жумласидандир. Бугунги кунда бутун дунёда инновацион ишланмаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис бу компаниялар нефть ва газ саноати соҳасидаги ўз янгиликларини тақдим этмоқда. Италия компанияларини Ўзбекистон Менделеев жадвалидаги деярли барча кимёвий элементлар конлари ҳамда заҳиралари мавжудлиги, шунингдек, икки томонлама муносабатлар учун қулай шароитлар яратилгани билан ўзига жалб этмоқда.

Европа давлатлари орасида, айниқса, Германия кўргазмада фаол иштирок этиб келмоқда. Бу йил ушбу мамлакатнинг «BAE», «Frenzelit», «Jumo», «Kanex», «Liebherr-Export AG», «Samson AG», «Endress+hauser Instruments International AG» каби компаниялари ўз маҳсулотларини намойиш этмоқда.

Германиянинг «KRONHE» компанияси лойиҳа-менежери Марк Каспровичнинг маълум қилишича, улар «Ўзбекистон нефть ва гази» халқаро кўргазмасида учинчи марта иштирок этмоқда. Компания барча саноат тармоқлари учун инновацион ўлчаш приборларини яратиш ва ишлаб чиқариш билан шуғулланади ҳамда Ўзбекистон бозорини бу борада жозибадор, деб ҳисоблайди. Шу сабабли стендга қўйилган турли ускуналарнинг имкониятлари шу ернинг ўзида намойиш этилмоқда. Соҳа мутахассисларининг навбатдаги учрашуви самарали ҳамкорликка хизмат қилишига иштирокчиларнинг ишончи комил.

Осиё мамлакатлари орасида Хитой ишлаб чиқарувчилари алоҳида ажралиб турибди.

– Компаниямиз бундай йирик форумда илк бор 2009 йилда иштирок этганди, – дейди «Shandong Kerui Petroleum Equipment Co» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Сонг Ю (Хитой). – Бу воқеа «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш учун муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Айни пайтда холдингнинг шўъба корхоналарига бурғилаш ва нефть қазиб олиш ускуналарини етказиб бермоқдамиз. «OGU 2012» кўргазмаси бўлажак шерикларни аниқлашда компаниямиз учун ажойиб имкониятдир.

«OGU 2012» кўргазмаси доирасида Марказий Осиёдан энергия экспорт қилишнинг минтақадаги сиёсий-иқтисодий тараққиёт истиқболларига таъсири мавзуида давра суҳбати ўтказилади. Шунингдек, кўргазма дастуридан «Ўзбекистон нефть ва газ тармоғини модернизациялаш ҳамда технологик қайта жиҳозлаш» халқаро нефть-газ конференцияси ҳам ўрин олган.

«OGU 2012» кўргазмаси давомида углеводород ресурсларини қидириб топиш ва қазиб олиш, конларни тайёрлаш ва улардан фойдаланиш, нефть ва газни ташиш, сақлаш ҳамда қайта ишлаш каби кўплаб соҳалар учун зарур янги технологиялар ва ускуналар тақдимоти ҳам бўлиб ўтади.

«Ўзбекистон нефть ва гази – OGU 2012» кўргазмасининг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари F.Ибрагимов сўзга чиқди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири**

# ЭНЕРГЕТИКЛАРНИНГ ХАЛҚАРО ФОРУМИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича кенг кўламли ишларни амалга ошириш самарали мулоқот майдончасини ташкил этишни талаб этади. «Power Uzbekistan» халқаро кўргазмаси айнан шу мақсадларга хизмат қилади.

– «Power Uzbekistan» халқаро ихтисослашган кўргазмасини ҳар йили ўтказиш мамлакатимиз энергетика ва электр техника тармоқлари учун анъанага айланган, – дейди ЎзА мухбирига «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Искандар Боситов.– Мунтазам янгиланиб бораётган замонавий ускуна ва технологиялар экспозицияси мутахассислар эътиборини жалб этмоқда. Навбатдаги кўргазма Ўзбекистон билан хорижий компаниялар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, мамлакатимиз энергетика тармоғида муҳим дастурларни амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатишига ишончимиз комил.



Аскар Ёкубов (ЎзА) олган сурат

Кўргазмада Ўзбекистон, Хитой, Германия, Қозоғистон, Латвия, Малайзия, Польша, Россия, Таиланд, Украина, Франциядан қарийб 40 та компания иштирок этмоқда.

Кўргазма майдонининг марказий қисмидан трансформаторлар, трансформаторли кичик станциялар, ток ўзгартгичлар, электр генераторлари, паст ва юқори вольтли ускуналар, технологик жараёнларни автоматик бошқариш тизимлари, назорат қилиш тизимлари ва воситалари, дастурий таъминот, кабеллар, симлар, иссиқлик, энергия, газ, сувни ҳисоблаш ва назорат қилиш асбоблари каби электр техника маҳсулотлари ўрин олган.

Иштирокчилар, шунингдек, электр, иссиқлик, гидро, энергетика соҳасидаги ўз ишланма ҳамда тадқиқотлари, ҳимоя тизимлари, муфталар, иссиқликни алмаштириш аппаратлари, компрессорлар ва ёритиш асбобларини ҳам намойиш этмоқда.

– Биз Ўзбекистонда бўлиб ўтаётган халқаро энергетика кўргазмасида илк бор иштирок этмоқдамиз, – дейди Малайзиянинг «Tenaga Nasional Berhad» компанияси етакчи менежери Зулбахорий Моҳд Али. – Мамлакатингизда қулай инвестиция муҳити, имтиёз ва преференциялар тизими яратилган. Кўргазмада турли компаниялар томонидан намойиш этилаётган кенг турдаги маҳсулотлар бунга яққол мисол бўла олади. Бу кучли рақобат мавжудлигидан далолат беради. Шу боис биз ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш ниятидамиз ва мазкур кўргазмалар ҳамда унинг доирасида ўтадиган тадбирлар бунга ёрдам беришига ишонамиз.

«Power Uzbekistan» халқаро кўргазмасида ишбилармонлик дастури ҳам кўзда тутилган. «Энергетика – 2012: инновациялар, ечимлар, истиқболлар» мавзуидаги халқаро энергетика конференцияси бу борадаги муҳим тадбирлардан бири ҳисобланади. Тадбир доирасида энергетика ва муқобил энергия манбалари соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг стратегик устувор йўналишларини ўз ичига олган маърузалар тақдим этилади, энергетика корхоналарини модернизация ҳамда реконструкция қилиш учун зарур инновацион ечимлар, замонавий энергия ва ресурсларни тежаш технологиялари муҳокама этилади.

Мутахассисларнинг фикрича, «Power Uzbekistan» халқаро кўргазмаси тармоққа оид долзарб ахборотни ишбилармонлик дастури билан биргаликда намойиш этишга самарали ёндашилганини тасдиқлайди. Бу эса кўргазмага ташриф буюрувчилар, энг аввало, энергетика соҳаси мутахассислари ва бўлажак истеъмолчиларга ушбу барча афзалликлардан самарали фойдаланиш имконини беради.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**

***Ўзбекистон мустақилликка эришган кунлардан бошлабоқ бирин-кетин чиқарилган Фармон ва қарорлар музейлар фаолияти тўғрисидаги тушунчаларга батамом янгича тус берди. Қатор-қатор музейлар ўзининг аввалги кўриниши ва вазифаларини ўзгартирди. Улар дунё миқёсидаги илғор музейлар сафидан жой ола бошлади.***

**18 май — Халқаро музейлар куни**

# МОЗИЙДАН САДО

Ўтган йиллар давомида республикамизда қатор-қатор замонавий янги музейлар ташкил топди, эскилари қайта таъмирланди. Музейларда тўпланган маълумотларга асосланиб, Ўзбекистон халқи маданиятининг жуда қадимийлиги ва бойлиги жиҳатидан дунё миқёсида юқори ўринлардан бирини эгаллаб келганлиги исбот қилинди.

Ҳозирги кунда музейларни нафақат тарих кўзгуси, балки кенг маънодаги маънавият ва маданият кўзгуси деб айта оламиз. Эндиликда музей тушунчаси ўзгача маъно кашф этмоқда. Чунки ҳозирги кунда долзарб йўналишлардан бирига айланган, ёш авлодни замон руҳида тарбиялаш вазифаларини оила, маҳалла, халқ таълими муассасалари кабиларда амалга ошириш билан биргаликда замонамизнинг тарбия ўчоқлари ҳисобланмиш музейларда бажарилиши мақсадга мувофиқдир.

Мустақиллик шарофати билан музейлар фаолияти тубдан ўзгартирилиб, амалий ишларга алоҳида эътибор қаратилгани ҳолда янги замонавий музейлар (Тошкентда «Қатағон қурбонлари хотираси», Термизда «Археология музейи кабилар) ўз фаолиятини бошлади. 1996 йил 18 октябрда очилган Темурийлар тарихи Давлат музейи ана шулар қаторидан жой олган.

Бу йил музей ўзининг ўн олтинчи йилги фаолиятини бошлади. Ўтган йиллар мобайнида музей салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Ўзининг салобати, кўрки, экспозицияларида намойиш этилаётган ва фондларига келиб тушаётган ноёб ашёлари, фахрий меҳмонлар томонидан совға қилинаётган эсдалик совғалари билан нафақат республикамиздаги ёшу қариларни, балки қўшни ва хорижий давлатларнинг санъат ихлосмандларини ҳам лол қолдирмоқда.

Музей фаолияти давомида қабул қилган томошабинлар сони икки миллионга яқинлашиб қолди. Шулардан бир мингга яқини фахрий меҳмонлар ва расмий делегацияларни ташкил этади.

Музей экспозицияси ва фондлари экспонатларга бойиб бормоқда. Шу ўтган йиллар давомида уларни сони қарийб беш баробарга кўпайди.

Музей экспозицияларини бойитишда олиб борилган илмий-тадқиқот ишларидан бири Тошкент вилояти Оққўрғон туманидаги Амир Темур даврига оид Шоҳрухия номли археологик ёдгорликда ўтказилган қазишмалар ҳам яхши натижалар берди.

Фундаментал тадқиқотлар бўйича «Темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожини ўрганиш ва тарғиб қилишнинг умумбашарий аҳамияти» кўп йиллик иш бўлиб, темурийлар тарихининг шу мавзу асосидаги қисмини хорижий мамлакатларда ва ўзимизда қай даражада ўрганилганлиги ва уларнинг аҳамияти кўрсатиб берилади.

Ёш олимлар томонидан бир неча йилларга режалаштирилган «Ўзбекистон тарихига оид маданий ва маънавий мероснинг хорижга тарқалиши ва уларнинг Ватанимиз тарихини ўрганишдаги ўрни» илмий иши бажарилмоқда. Бу мавзуда қачонлардир тақдир тақозоси билан хориждаги музейларга, коллекционерлар қўлига тушиб қолган ноёб тарихий ашёларимизнинг тақдири ҳақида тадқиқот ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон Фанлар академияси фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фонди томонидан тасдиқланган «Амир Темур ва темурийлар давридаги ҳарбий санъат» мавзуси бўйича Амир Темур ва темурийларнинг шаҳарларни, қалъаларни забт этиш даврларида қўллаган стратегик ва тактик усуллари очиб берилади.

Бундан ташқари музейда бир қатор Амир Темур ва темурийлар даври тарихидан маълумот берувчи кўргазмалар ўз ихлосмандларини кутмоқда. Музейга марҳамат. Музейлар байрами муносабати билан Сиз азиз ҳамкасбларимни чин кўнгилдан табриклаб, тинчлик, соғлиқ-саломатлик, илмий муваффақиятлар тилайман.

**Ўткир АЛИМОВ,
Темурийлар тарихи давлат музейининг етакчи илмий ходими**

***Нью-Йорк университетида «Фонд Форум: фуқаролик жамияти амалий модели варианти» китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.***

# МИЛЛИЙ КИТОБ ТАҚДИМОТИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Нью-Йоркдаги ваколатхонаси, Ўзбекистон Республикасининг БМТ қошидаги доимий ваколатхонаси ҳамда АҚШнинг «Глобал илмий нашрлар» маркази томонидан ташкил этилган тақдимот маросимида санъат ва маданият намояндалари, магистрантлар, ёш экспертлар ва олимлар, Нью-Йорк университетининг профессор-ўқитувчилари, талаба-ёшлар иштирок этди.

«Фуқаролик жамиятининг замонавий тамойиллари: янги шароитларда Ўзбекистон тажрибаси» мавзусида ўтказилган мазкур тадбирда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан тақдим этилган ўзбек миллий санъати тақдимоти, халқимизнинг ёркин миллий либослари, чолғучилик асбоблари, безакли амалий санъат намуналари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Таъкидлаш жоизки, «Фонд Форум: фуқаролик жамияти амалий модели варианти» илмий-амалий нашрда жамғарма томонидан амалга оширилаётган лойиҳа ва дастурлар ҳамда ташкилотнинг фаолияти истиқболлари ҳақида тўлиқ маълумотлар тақдим этилган. Мазкур китоб ўзбек миллий маданияти ва санъати, ижодкор ёшлар, ижтимоий ташаббуслар, спорт каби соҳаларни қўллаб-қувватлаш йўлида жамғарма фаолиятини кенг тарғиб этишда муҳим аҳамиятга эга.

— Глобализация жараёнларининг кучайиб бораётганига қарамасдан, турли тамаддунлар, халқлар ва давлатларнинг ўзига хос специфик жиҳатларини эътиборга олиш муҳимдир, — дейди «Глобал илмий нашрлар» маркази директори Парвиз Морвиж. — Демократия ва қадриятларнинг умумий универсал моделларини жорий этиш халқаро ва тамаддунлараро ихтилофларга сабаб бўлиши мумкин. Бу ҳақда ўзининг «Тамаддунлар тўқнашуви» номли асарида С. Хантингтон ҳам ёзган. Ўзбекистон 20 йиллик мустақиллик даврида ўзининг ривожланиш модели самарали ва муваффақиятли эканини исботлади. Мамлакатингиздаги йирик нодавлат ташкилот — Фонд Форумнинг кенг қамровли фаолияти бунга ёркин мисол бўла олади. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг йирик аъзоларидан бири бўла туриб, жамғарма ўз тажрибаси ва амалиёти асосида ушбу институтни янада мустаҳкамлаш моделини ишлаб чиққан.

Тадбир сўнггида «Фонд Форум: фуқаролик жамияти амалий модели варианти» китобининг бир нечта нусхаси Нью-Йорк университети ҳамда «Глобал илмий нашрлар» марказига тақдим этилди.

**Азима ҚИЁСОВА,
«Туркистон-пресс»**

***Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида «Билимлар беллашуви» ўтказилди.***

**Таълим**

# ИҚТИДОРЛИ ЎҚУВЧИЛАР МУСОБАҚАСИ

Анъанавий «Билимлар беллашуви» иқтидорли ва билимли ўқувчиларни аниқлаш, уларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, ўқувчиларнинг билим олишга бўлган интилишини кучайтириш, таълим сифати ва мазмунини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Беллашув, шунингдек, ўқитувчиларнинг ўз ишига муносабати, ёндашуви, болаларни ўқишга қизиқтира олиш маҳоратини атрофлича таҳлил этиш ва шу асосда педагогларнинг касб маҳоратини муттасил ошириб боришда ҳам алоҳида аҳамият касб этмоқда.

«Билимлар беллашуви – 2012»нинг барча босқичларида жами бир миллиондан ортиқ 4-8-синф ўқувчилари иштирок этди. Уларнинг қарийб минг нафари мусобақанинг якуний босқичида ўз иқтидорини синовдан ўтказди. Ўқувчилар муайян фанлар бўйича ёзма иш, оғзаки ва амалий ишлар, тест синовини топширдилар. Айни пайтда уларнинг жамиятимиз ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар моҳияти, баркамол авлод тарбияси, оилалар равнақи йўлида кўрсатилаётган ғамхўрлик ҳақидаги билимига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

– «Билимлар беллашуви – 2012»нинг якуний босқичида математика фани бўйича биринчи ўринни қўлга киритдим, – дейди ЎзА мухбирига Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 44-мактабнинг 7-синф ўқувчиси Хушбахт Жумабоев. – Ушбу интеллектуал танлов давомида турли фанларга қизиқувчи тенгдошларим билан дўстлашиб, олимлар, илғор ўқитувчиларнинг маҳорат сабоқларида иштирок этдим. Бу мусобақа биз, ўқувчиларнинг ўзимизга бўлган ишонч ва қатъиятимизни янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этади.

«Билимлар беллашуви-2012»да жами 82 нафар ўқувчи биринчи ўринга лойиқ топилди. Энди улар ёзги таътилда интеллектуал оромгоҳларда дам олиш, таниқли олимлар, йирик мутахассислар иштирокидаги мулоқотлар, учрашувларда қатнашиш имконига эга бўлдилар.

Танлов доирасида ўқувчи-ёшлар пойтахтимизда истиқлол йилларида барпо этилган муҳташам иншоотлар, Мустақиллик майдони, театр ва санъат масканларига, кўргазма заллари ва музейларга саёҳат қилдилар.

**Назокат УСМОНОВА**

# ИМКОНИЯТЛАР ЮКСАЛИШГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 25 апрелда қабул қилинган 2012-2013 йилларда давлат мулкини хусусийлаштириш дастури тўғрисидаги Қарори асосида 560 давлат активларини хусусийлаштириш кўзда тутилган. Қарорга кўра, нефтгаз, энергетика, металлургия, қишлоқ хўжалиги, енгил саноат, электротехника, фармацевтика саноати каби тармоқларга тегишли 497 объект очиқ савдолар орқали, олтмишдан ортиқ бўш турган, ишламаётган ҳамда қурилиши тугалланмаган объектлар танлов асосида инвестиция мажбурияти эвазига «ноль» қийматда истиқболли инвесторларга сотилади.

Хусусийлаштиришнинг амалдаги тартибига кўра, давлат активлари очиқ савдолар орқали сотилади ва бунда инвесторлар хусусийлаштириладиган объектлар ҳақида зарур маълумотларни олиши учун барча шароит яратилиб, бу жараённинг очиқ-ошкора ўтиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси раисининг ўринбосари С.Ғафаровнинг таъкидлашича, бу борада хорижий ва маҳаллий инвесторлар билан 133 шартнома тузилган. Уларга кўра, инвесторлар томонидан 299 миллион АҚШ доллари ва 82,6 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилиши белгиланган. Президентимизнинг 2012 йил 10 апрелда қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони иқтисодиётнинг етакчи тармоқларида хорижий инвесторлар билан ҳамкорликни янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётир.

Анжуманда иқтисодиётга хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва инвесторларга имтиёзлар яратиш борасида Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди.

**Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири**

**«Битирувчи – 2012»**

# КАСБИМ – ФАХРИМ

***Шу кунларда мамлакатимиздаги барча умумий ўрта таълим мактабларида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичига тўлиқ қамраб олишга оид ишлар қизғин давом этмоқда. Бунда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури муҳим омил бўлмоқда.***

Тошкент шаҳрининг Яккасарой туманидаги 118-мактабнинг 9-синфини жорий ўқув йилида 121 нафар ўқувчи тамомлайди. Мактабда ўқувчиларнинг қизиқиши, дунёқараши, орзу-интилиши, лаёқатини чуқур ўрганиш ва шу асосда касбга йўналтиришдек масъулиятли жараёнга ўқув йилининг аввалиданоқ қизғин ҳозирлик кўрилди. Мактабда фаолият олиб бораётган амалиётчи психолог, ўқитувчилар, ота-оналар ўртасидаги узвий ҳамкорлик натижасида ҳар бир ўсмирнинг ўзлаштиришига, интеллектуал салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

– Мактабимизда ҳозир тўққизинчи синф битирувчиларининг йиғма жилд ҳужжатлари тўлиқ шакллантирилди, – дейди мазкур 118-мактаб директори Бибисора Ҳасанова. – Ўқувчиларни таълимнинг кейинги босқичига қамраб олишга тайёргарлик жараёни ўқув йили давомида олиб борилди. Бунда Тошкент шаҳридаги кўплаб касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга мунтазам экскурсиялар ташкил этилди. Натижада битирувчиларимизда муайян билим маскани, ундаги йўналиш ва ихтисосликлар тўғрисида кенг тасаввур пайдо бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик республика ташхис маркази билан ҳамкорликда барча мактабларда бўлгани каби ушбу билим даргоҳида ҳам сентябрь-май ойлари давомида алоқа ва хорижий тиллар, уй-жой коммунал хўжалиги, қурилиш ва аниқ фанлар, транспорт, саноат, савдо ва умумий овқатланиш, табиий фанлар, педагогика ва маданият йўналишлари ойлиги ўтказилди. Ойлик доирасидаги «Касблар фестивали», «Очиқ эшиклар куни» сингари маърифий тадбирларда ўқувчиларга турли ихтисосликлар бўйича атрофлича маълумот берилди. «Танлаган касбинг – ҳаёт йўлинг», «Касбим – фахрим», «Касб танлашда адашма» мавзуидаги машғулотлар эса ўқувчиларнинг касб-ҳунарга оид билимини тўғри шакллантириш, меҳнат кўникмаларини янада мустаҳкамлаш имконини берди.

– Мактабимизда пухта билим олиш билан бирга турли касблар бўйича доимий маълумотлар берилаётгани биз, ўқувчиларга катта ёрдам бўлди, – дейди 9-синф ўқувчиси Саъдулла Ҳабибуллаев. – Ўқиш давомида туманимиздаги маиший хизмат касб-ҳунар коллежига бир неча марта бориб, яратилган шароитлар, корхоналар билан ҳамкорлик алоқалари, амалиёт жараёни, келгусида қаерга ишга жойлашиш мумкинлиги тўғрисида батафсил маълумот олдим. Мактабни тугатгач, мазкур коллежда автослесарлик йўналишида ўқишни давом эттириш ниятидаман. Келгусида ўзим қизиққан соҳа бўйича таҳсил олишимдан ота-онам ҳам хурсанд.

**(ЎзА)**

## Спорт янгиликлари




# СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ЙЎЛИДА

***Тошкент Тиббиёт академиясининг «Шифокор» спорт мажмуасида «Биз бир оиламиз, биз бир жамоамиз» номли спорт мусобақалари бўлиб ўтди.***

Мустаҳкам оила йилида соғлом турмуш тарзини оилаларимизда татбиқ этиш, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, талабаларни спортга ошно этиш мақсадида ташкил этилган ёшлар спорт байрамида енгил атлетика, футбол, шахмат-шашка, теннис, волейбол, эстафета югуриши каби 7 та спорт тури бўйича мусобақаларда ҳар бир факультет жамоаси фаол иштирок этди.

Мусобақанинг ғолиб ва совриндорларига кубоклар, эсдалик совғалари топширилди.

**Дилмурод ИСМОИЛОВ**

**СУРАТЛАРДА: мусобақадан лавҳалар**



# МУРАББИЙЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

***«Чиғатой» терма жамоаларни тайёрлаш марказида Осиё футбол конфедерациясининг мураббийлари учун «С» лицензиясини берувчи халқаро курслар ташкил этилди.***

Ўзбекистон футбол федерацияси ташаббуси билан 1998 йилдан бери ўтказиб келинаётган мазкур халқаро курсларда малака оширган ва «С» лицензиясига эга бўлган мураббийларга болалар футболида фаолият олиб бориш, мамлакат миллий чемпионати биринчи, иккинчи лигалар жамоаларида ёрдамчи мураббий бўлиб ишлаш имконияти берилди.

***Мамлакат XXI миллий чемпионати профессионал футбол лигаси жамоалари ўртасида ўтказилган 8-тур беллашувлари пешқадам жамоаларга муваффақият келтирди.***

# ПЕШҚАДАМ ЖАМОАЛАР ОЧКО ЙЎҚОТИШМАДИ

Муборакда «Машъал» жамоаси меҳмони бўлган Журжевич бош мураббийлигидаги «Пахтакор» командаси сермазмун ўйин намойиш этиб, ўз мухлисларини хурсанд этди. 90 дақиқа мобайнида мезбонлардан кўра аниқроқ ҳамда ҳужумкор ўйнаган тошкентлик чарм тўп усталари якунда 3:0 ҳисобида зафар қучишди. Климиашвили, Суюнов, Абдухолиқов голларга муаллифлик қилишди.

Шунингдек, «Жар» стадионида «Олмалиқ» жамоаси билан куч синашган «Бунёдкор» командаси Козак ҳамда Саломов томонидан рақиб дарвозасига киритилган голлар эвазига 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва муҳим уч очкога эга бўлди.

Ғузорда кечган «Шўртан» — «Насаф» жамоалари баҳси муросасиз ва шиддатли курашларга бой ўтди. Учрашувда мезбонларга нисбатан маҳорат ва тажриба бобида бироз устунлик қилган «Насаф» жамоаси 3:2 ҳисобида ғалаба қозона олди.

Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Локомотив» — «Андижон» — 1:1, «Навбаҳор» — «Динамо» — 1:1, «Металлург» — «Бухоро» — 2:0, «Қизилқум» — «Нефтчи» — 2:1.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

# ЯНГИЛАНГАН СТАДИОНДА МУРОСАСИЗ ЎЙИН

***Мирзо Улуғбек тумани ТТЗ мавзесида жойлашган ва эндигина қайта қуриб битказилган «Локомотив» стадиони ўзбек футболининг 100 йиллик тўйига тўёна сифатида «Локомотив» футбол клубига фойдаланиш учун топширилди.***

Ушбу қайта қуриш ишлари мазкур футбол клубининг расмий ҳомийси «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси бошчилигида якунига етказилди. Эндиликда 105 х 68 метр ҳажмдаги янги стадионда бўлиб ўтадиган ўйинларни 8 минг мухлис томоша қилиш имконига эга бўлди.

Янгиланган стадиондаги биринчи ўйин «Локомотив» хамда «Андижон» клублари ўртасида кечди. Мазкур кескин ва муросасиз баҳсда жанговар дуранг қайд этилди. Ўйин давомида водийликлар устунлик қилишди, меҳмонларнинг биринчи голига андижонликлар фахрийси В.Сишелов муаллифлик қилди. Ўйин якунига етаётган бир паллада мезбонларнинг босимига дош бера олмаган водий вакиллари ўз дарвозаларидан тўп олиб чиқишди. «Локомотив»га сув ва ҳаводек зарур бўлган бир очкони тақдим этган футболчи эса эндигина жамоа сафига «Нефтчи» футбол клубидан келиб қўшилган Исломжон Тўхтахўжаев бўлди. Шу тариқа ўйин дуранг натижа билан якунланди.

# ХАЛҚАРО БОКС ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

***Шаҳримиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуасида бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий ва спорт устаси Сидней Жаксоннинг хотирасига бағишлаб ўтказилган халқаро турнир якунланди.***

Нуфузи жиҳатидан етакчи ўринларда турувчи ушбу турнир юртимизда боксни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлод юрагида боксга бўлган меҳрни янада жўш урдириш, спортчиларимизнинг халкаро тажрибаси, маҳорати ва малакасини ошириш, хорижлик чарм қўлқоп усталарини ўзбек бокс анъаналари, имкониятлари билан кенгроқ таништириш мақсадида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Миллий олимпия қўмитаси ҳамда Республика бокс федерацияси томонидан уюштирилган мусобақаларда ҳамюртларимиз билан биргаликда Россия, Филиппин, Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа кўплаб мамлакатлардан келган юздан ортиқ чарм қўлқоп усталари ғолиблик учун куч синашишди.

Вазни 91 килограммдан ортиқ боксчилар ўртасидаги ҳал қилувчи баҳсда ҳамюртимиз Улуғбек Мўминов россиялик рақиби Илья Руденкони мағлубиятга учратиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасини эгаллади. Маҳоратли боксчиларимиздан Шахриёр Исоқов, Жаҳонгир Давидов, Хуршид Тожибоев, Достонбек Турдиев ҳамда Шуҳрат Абдуллаевлар ўз вазн тоифаларида турнирнинг олтин медалларини қўлга киритган бўлишса, Жавлонбек Қурбонов, Достон Абдураҳмонов, Бобур Айтбоев, Шоҳжаҳон Эргашев, Нодирбек Қосимов, Наримон Абдирафиқов, Сардор Бегалиев ҳамда Акмал Раҳмоновлар бронза медаллари билан тақдирланишди.

Мусобақаларда муносиб иштирок этган хорижлик боксчилардан россиялик амалдаги жаҳон чемпиони Егор Механсев, Андрей Занковой, Қозоғистон вакили Василий Левит, филиппинлик Марк Антони Баррегалар турнирнинг олтин медалларига эгалик қилишди. Сўзимиз аввалида таъкидлаганимиздек, умумий натижаларга кўра, юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаб, жаҳон рейтингидаги натижаларини мустаҳкамлаб олишди. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мазкур турнирда иштирок этган ҳамюртларимизнинг аксарияти олимпиада қатнашчиларидир, шундай экан мусобақадан улар тажриба тўплашди.

**Раббонакул МУХТОРОВ**

## Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур

# МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

### ШАРҚ ҲИКОЯТ ВА РИВОЯТЛАРИ

**Ҳамма ҳам ўз манфаатидан келиб чиқиб фикрлайди.**

* * *

**Аламзада ҳеч нимадан таскин топмайди.**

* * *

**Кўчада кўрганингга баҳо берма.**

* * *

**Умр бўйи меҳнатдан бошқа нарсани билмаган аёл ўз муҳаббатини ҳам меҳнати орқали намоён этади.**

* * *

**Овоз ҳам ҳусн.**

* * *

**Инсон осон эришган нарсасининг қадрига етмайди.**

* * *

**Кўзга ялт этиб ташланадиган хатолар бор, ҳеч ким пайқамайдиган хатолар бор.**

* * *

**Ўйнаб гапирсанг ҳам, ўйлаб гапир.**

* * *

**Ишончсизлик одамни адо қилади.**

* * *

**Меҳнатнинг осони йўқ.**

* * *

**Меҳнатнинг нони қаттиқ.**

* * *

**Ким тақдирни алқаб яшайди,**
**Ким тақдирни қарғаб яшайди.**

* * *

**Минг бир азоб билан йўл очасану кўпинча ундан юриш ўзингга насиб этмайди.**

* * *

**Оддийликни бир оғиздан мақтайдилару амалда менсимайдилар.**

* * *

**Кўпнинг дуоси яшнатар,**
**Кўпнинг қарғиши қақшатар.**

* * *

**Эрта қувонган кўпинча хафа бўлиб қолади.**

* * *

**Ўзидан ортмаганнинг ўзга билан иши йўқ.**

* * *

**Одамзоднинг ичини билиб бўлмайди.**

* * *

**Кучга куч қўшадиган даражада ебичиш керак, кучни қирқадиган даражада эмас.**

* * *

**Ким кўнгил олишга, ким кўнгил қолдиришга уста.**

* * *

**Кўнгли эгри тўғри сўзни ҳам эгрига буради.**

* * *

**Севгининг лаззати қанча кучли бўлса, азоби ҳам ундан кам эмас.**

* * *

**Севги ўз соҳибларини қийнаб яшайди.**

* * *

**Муомаласи йўқ кишига яшаш қийин бўлади.**

* * *

**Эрмаклар – вақт ўғриси.**

**(Давоми бор)**

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

## ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **18 май** куни ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан қисқа муддатли кучли ёмғир, жала ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, жала вақтида кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 16-18 даража илиқ, кундузи — 23-25 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **18 майда** Тошкент шаҳри об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бироз йиғилишига имконият яратади. Атмосферанинг ифлосланиш даражаси 1-3 фоиз пасайиши тахмин қилинмоқда, тагмиқдори паст бўлади.*

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига Олмазор туман СИБ томонидан** Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036-10-сонли ва 2-037/10-сонли ижро варақаларига асосан, Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй, 16-хонадон манзилида жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м бўлган, 2 та яшаш хона, даҳлиз, ошхона, ҳожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой арзонлаштирилган ҳолда такроран савдога қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 50 164 889 сўм.**

**Аукцион савдоси 2012 йил 6 июнь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 4 июнь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «КМСХ» МЧЖнинг «Ипак йўли банки» ОАИТБ Сағбон ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609114, МФО:01036, ИНН:207122519. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А-уй. Тел:228-79-52.www.1kms.uz. Лицензия: RR-0001

«Ko`chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ иштирокчиларининг 2012 йил 17 апрель куни ўтказилган умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг устав фонди қуйидаги миқдорда камайтирилаётганлигини маълум қиламиз.

| № | Жамият устав фондининг аввалги миқдори | Жамият устав фондининг янги миқдори |
|---|---|---|
| 1 | 320 000 000 сўм | 300 000 000 сўм |

**Мурожаат қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил:** Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. **Инд:** 100175. **Телефон:** 228-80-32. **Факс:** 228-80-26.

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**
**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

*Кўчмас мулк сотишни ёки сотиб олишни хоҳлайсизми?*
*Бу борада ишончли ҳамкор излаяпсизми?*
*Унда шошилиб таваккал қилманг.*
*Акс ҳолда, вақтингиз ҳамда нақдингизни беҳудага совуришингиз мумкин.*

KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI МЧЖ

**Кўчмас мулк бозорида 1-сонли риэлторлик лицензиясига эга бўлган "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Сизга кўчмас мулк, хусусан ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ҳамда тураржой биноларини сотиш ва сотиб олишда ишончли хизмат кўрсатади.**

**Бунинг учун жамиятимизнинг юқори малакали мутахассисларининг (+99890) 998-62-72, 977-82-55, 977-77-85 телефон рақамларига қўнғироқ қилинг ва улар билан тўғридан-тўғри боғланинг. Кўчмас мулкингизни оммавий тарзда ўтказиладиган савдоларда шаклланган ҳақиқий нархлар билан таққослаган ҳолда республика миқёсида тарғиб этилиб, энг юқори нархда сотилиши кафолатланади.**

**Маслаҳат ва консалтинг хизматлари қонунчиликда белгиланган тартибда, шартномалар асосида амалга оширилади. "KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ томонидан кўрсатиладиган хизматлар сифати, қулайлиги ва арзонлиги билан Сизни, албатта, қувонтиради.**

*Унутманг! "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ кўчмас мулк бозорида энг биринчи ва энг ишончли ҳамкордир.*

**Мурожаат қилинг ва барака топинг!**

Лицензия: RR-0001.

**Тошкент оқшоми**

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95, 236-57-65. факс: (371) 232-11-39

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2010-9229

Бизнинг электрон манзил: vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 541

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 9483 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

Босишга топширилди: 14.40

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

1 2 3 5